

Н.М. Махмудов,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Б.Б. Жумаев,
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи,
ТДИУ

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Маълумки, давлат инсоннинг муносиб турмуши ва ривожланишини таъминловчи шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий сиёсатни олиб боради. Меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг иш билан бандлигини таъминлаш асосида аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.


Тобора чуқурлашаётган ислохотлар давомида масалага шу нуқтаи назардан ёндашилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инкирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир”¹.

Жамият аъзоларининг даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, инсонларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши каби имкониятларини белгилаб беради.

Бугунги кунда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадларини объектив статистик маълумотлар асосида иқтисодий таҳлил қилиш, қишлоқ аҳолисининг пул даромадларини ўрганиш, уй хўжаликларининг иқтисодиётда қатнашиш даражаси ва унинг таснифини таҳлил этиш долзарб масала ҳисобланмоқда. Республикаимизда иш ҳақи ва бошқа пул даромадларини босқичма-босқич ошиб боришини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ўз навбатида, аҳоли пул даромадларининг ўсиши, унинг харид қобилиятини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва мамлакатдаги барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида бўлгани сингари Бухоро вилоятида ҳам аҳоли даромадлари миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда (1-расм).

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь. №16 (5183).



1-расм. Бухоро вилоятида аҳоли даромадлари динамикаси, млрд. сўм ҳисобида.

Манба: Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

1-расмда келтирилган статистик маълумотлар таҳлилига кўра, 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича аҳолининг пул даромадлари 715,8 млрд. сўмдан 2068,4 млрд. сўмга ёки 2,88 мартага ортган. Бу даврда аҳолининг ихтиёридаги пул даромадлари 660,6 млрд. сўмдан 1905,4 млрд. сўмга ёки 2,88 мартага, реал пул даромадлари эса 650,1 млрд.сўмдан 1922,3 млрд.сўмга ёки 2,95 мартага кўпайган. Кўриниб турибдики, реал пул даромадлари аҳолининг ихтиёридаги пул даромадларига нисбатан юқори суръатда ўсган. Шу билан бирга, аҳолининг реал пул даромадларининг ўсиш суръати 2006 йилда 25,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда келиб бу кўрсаткич 25,6 фоизга тенг бўлган.

Аҳоли даромадларининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар билан боғлиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятида аҳолининг пуллик даромадлари динамикаси, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+, -	%
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>
Жами даромадлар	715,8	994,3	1344,9	1530,3	2068,4	1352,6	2,88
Шу жумладан:							
Иш ҳақи	226,1	328,4	435,9	596,5	786,1	560,0	3,47
Корхонадан келадиган даромадлар (иш ҳақидан ташқари)	3,0	3,8	5,1	4,1	2,9	-0,1	0,96
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан келадиган даромадлар	220,0	277,2	331,0	359,1	457,5	237,5	2,07

1-жадвал давом

1	2	3	4	5	6	7	8
Пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар	72,7	105,6	173,2	244,5	313,5	240,8	4,31
Тадбиркорлик фаолиятдан келадиган ва бошқа даромадлар	194,0	279,3	399,7	326,1	508,4	314,4	2,62

* Жадвал Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларининг таҳлили вилоятда жами даромадлар миқдорининг ошганлигини, бироқ унинг таркибида даромадлар миқдори ва улуши бир меъёрда бўлмаганлигини кўрсатади. Жумладан, 2006-2010 йилларда иш ҳақи миқдори – 3,47, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан келган даромад миқдори – 2,07, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдори – 4,31, тадбиркорлик фаолиятдан келган ва бошқа даромадлар миқдори – 2,62 мартага кўпайган. Аксинча, таҳлил қилинаётган даврда корхонадан келган даромадлар (иш ҳақидан ташқари) миқдори 3,0 млрд. сўмдан 2,9 млрд. сўмга ёки 0,96 фоизга камайган.

Бошқача қилиб айтганда, кўрилатган даврда вилоят бўйича жами даромадлар таркибида иш ҳақининг улуши 31,5 фоиздан 38,0 фоизга ёки 6,5 миқдорга, ижтимоий тўловлар улуши 10,2 фоиздан 15,1 фоизга ёки 4,9 миқдорга кўпайган. Аксинча, бу даврда корхонадан келган даромадлар (иш ҳақидан ташқари) улуши 0,4 фоиздан 0,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан келган даромад улуши 30,7 фоиздан 22,1 фоизга, тадбиркорлик фаолиятдан келган ва бошқа даромадларнинг улуши эса 27,2 фоиздан 24,6 фоизга камайган.

Статистик маълумотларга қараганда, вилоятда ходимларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 2006 йилдаги 182,2 минг сўмдан 2010 йилда 717,2 минг сўмга ёки 3,93 мартага ортган. Ўрганилаётган даврда Қоровулбозор туманида (1255,4 минг сўм), Когон шаҳрида (1028,7 минг сўм), Бухоро шаҳрида (858,9 минг сўм) ва Когон туманида (795,2 минг сўм) ўртача иш ҳақи миқдори вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган.

Шундай қилиб, аҳоли даромадлари таркиби бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйидагича хулосага келинди:

- вилоятда жами аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар миқдори, улуши мунтазам ортиб борган ҳамда ижтимоий тўловлар миқдорининг ўсиш суръати бошқа даромад турларига нисбатан юқори бўлган;

- корхонадан келадиган даромадлар (иш ҳақидан ташқари) миқдори ва улуши камайган;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан, тадбиркорлик фаолиятдан келган ва бошқа даромадлар миқдори ортган, аксинча аҳоли даромадлари таркибида уларнинг улуши камайган.

Ялпи даромад кўрсаткичларига кўра қишлоқ аҳолисининг даромад кўрсаткичлари тизими яхши кўринишни ифодалайди ва ундаги натурал кўринишдаги даромадлар шаҳар аҳолисиникига қараганда бирмунча юқоридир. Бир томондан бу ҳолатни ижобий тарзда баҳолаш мумкин бўлса, иккинчи

томондан қишлоқ аҳолиси ўртасида нақд пул етишмовчилигини кўп кузатиш мумкин бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш жараёнлари ҳам бозор айланмасига киришиб бормоқда, буни ўз маҳсулотидан шахсий истеъмолда фойдаланиш кўрсаткичларининг пасайиши ва нақд пуллик кирим кўрсаткичларининг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Бухоро вилояти уй хўжаликларининг 2006 йилдаги табиий киримини 2000 йил билан солиштирилганда, табиий кирим кўрсаткичининг 12,5 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон бўйича ушбу кўрсаткич 9,9 фоизга пасайганлиги маълум бўлган.

Бухоро вилоятида қишлоқ аҳолиси даромадларининг таҳлили бўйича статистик маълумотларнинг етарли эмаслиги сабабли социологик тадқиқот вилоятнинг географик жойлашган ўрни, демографик, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши турлича бўлган Бухоро, Ғиждувон, Олот ва Пешку туманларида ўтказилди. Тадқиқот Бухоро туманидаги 8 та, Ғиждувон туманидаги 6 та, Олот туманидаги 8 та ва Пешку туманидаги 10 та маҳаллада, қишлоқ кенгаш ва маҳалла идорасида сақланадиган уй хўжаликлари рўйхат китоби бўйича танлов асосида амалга оширилди.

Танловни амалга ошириш учун танлов қадами куйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$k = \frac{N}{n}$$

Бу ерда: k – танлаш қадами; N – маҳалладаги барча оилалар рўйхати бўйича сони; n – танлов ҳажми.

Юқоридаги танлов усули бўйича ҳар бир туманда 500 тадан сўров ўтказилди. Социологик сўров жами 2000 та респондентни қамраб олди. Шулардан 988 нафарини (49,4%) эркак, 1012 нафарини (51,6%) аёллар ташкил этди.

Тадқиқотда Бухоро вилоятида қишлоқ аҳолисининг туманлар бўйича даромадларини аниқлаш мақсадида респондентларга “Айтингчи, сизнинг оилангизда бир ойлик даромад миқдори қанча сўмни ташкил қилади?” деган савол билан мурожаат қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

Бухоро вилоятининг социологик сўров ўтказилган туманларида қишлоқ аҳолисининг даромадлари миқдори, %да*

Кўрсаткичлар	Туманлар				Ўртача
	Бухоро	Олот	Ғиждувон	Пешку	
200 минг сўмгача	14,1	18,3	12,9	19,8	16,3
200-300 минг сўм	20,3	22,4	19,8	24,3	21,7
300-400 минг сўм	24,9	25,1	21,8	23,8	23,9
400-600 минг сўм	19,9	17,1	22,3	16,4	18,9
600-800 минг сўм	13,5	12,5	14,8	11,9	13,2
800 минг сўмдан ортиқ	7,3	4,6	8,4	3,8	6,0
Жами.	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* Жадвал муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари асосида тузилган.

Респондентларга социологик сўровда “Айтингчи, сизнинг оилангизда бир ойлик даромад миқдори қанча сўмни ташкил қилади?”, деган савол билан муурожаат қилганимизда, 200 минг сўмгача, 200-300 минг сўм оралиғида даромад олувчи қишлоқ аҳоли улуши Пешку ва Олот туманларида юқори эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, 400-600 минг, 600-800 минг ва 800 минг сўмдан ортиқ даромад олувчи қишлоқ аҳолиси улуши Ғиждувон ва Бухоро туманлари юқори. Демак, вилоятнинг Ғиждувон ва Бухоро туманларида қишлоқ аҳолисининг даромадлари юқори, қолган Пешку ва Олот туманларида эса бир мунча паст. Бу эса мазкур туманларда қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш чора-тадбирларини кучайтиришни тақозо этади.

Социологик тадқиқотда респондентларга “Сизнинг даромад манбаингиз асосан нималардан иборат?”, деган савол билан муурожаат қилинганда 3-жадвалда келтирилган жавоблар варианты олинди.

3-жадвал

Бухоро вилоятининг социологик сўров ўтказилган туманларида қишлоқ аҳолисининг даромад манбалари, %да*

Кўрсаткичлар	Т у м а н л а р				Ўртача
	Ғиждувон	Бухоро	Олот	Пешку	
Ялпи даромад	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>Пуллиқ даромадлар</i>	84,1	82,8	78,5	79,1	81,1
шу жумладан:					
Иш ҳақи	28,4	29,4	28,7	26,2	28,1
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад	21,1	17,0	13,1	14,2	16,4
Шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинган даромад	17,6	18,5	21,6	23,1	20,2
Ижтимоий тўловлар	12,7	13,9	12,3	13,3	13,0
Қариндошлардан олинган моддий ёрдам	1,2	1,6	1,5	1,2	1,4
Мулкдан олинган даромад	3,1	2,4	1,3	1,1	2,0
<i>Табиий шаклдаги даромадлар</i>	15,9	17,2	21,5	20,9	18,9

* Жадвал муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари асосида тузилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, вилоятда ялпи даромаднинг 81,1 фоизни пул кўринишидаги, қолган 18,9 фоизини табиий шаклдаги даромад ташкил этган. Социологик сўров натижалари қишлоқ туманлари ўртасида даромад турларининг бир меъёрада тақсимланмаганлигини кўрсатди. Жумладан, пуллиқ даромадлар улуши Ғиждувон (84,1%), Бухоро (82,8%) туманларида юқори бўлса, натурал шаклдаги даромадлар Пешку (20,9%) ва Олот (21,5%) туманларида юқори бўлган.

Шу билан бирга, пуллиқ даромадлари таркибида иш ҳақи (29,4%),

ижтимоий тўловлар (13,9%), қариндошлардан олинган моддий ёрдам (1,6%) улушининг Бухоро туманида, тадбиркорлик фаолиятдан (21,1%) ва мулкдан олинган даромад (3,1%) улушининг Ғиждувон туманида, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинган даромад улушининг Пешку туманида (23,1%) юқори эканлигини кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, асосан қишлоқ уй хўжаликларида олиб борилади. Шахсий томорқа хўжалигига эга бўлиш қишлоқ уй хўжаликларининг мавжуд бўлишининг асосидир. Бу ҳолат мавжуд қишлоқ ҳаёти билан изоҳланади. Замонавий шарт-шароитларда шахсий томорқа хўжалиги нафақат қишлоқ аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига эга бўлиш эҳтиёжини қондиради, балки қўшимча даромад олиш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади ва қишлоқ аҳолиси ҳаёт сифатини ошишини таъминлайди.

Маълумки, қишлоқ оилалари даромадларининг асосий қисмини томорқа хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан келадиган даромадлар ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Бухоро вилоятида томорқа хўжаликлари сони ортиб бормоқда (4-жадвал).

4-жадвал

Бухоро вилоятида томорқа хўжалиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2006	2007	2008	2009	2010	
Томорқа хўжаликлари сони, бирлик	317381	320572	320572	322789	326165	1,02
Томорқа хўжаликлари ихтиёридаги суғориладиган ерлар, минг гектар	41,7	41,7	41,8	41,8	41,8	1,002
Томорқа хўжаликларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулоти ҳажми, млн. сўм	157024,9	240811,7	272353,7	317659,4	442154,2	2,81
Томорқа хўжаликларида етиштирилган чорва маҳсулотлари ҳажми, млн. сўм	255504,1	334458,9	411372,2	467705,5	557197,1	2,18

* Жадвал Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдан кўриниб турганидек, 2006-2010 йиллар давомида вилоят бўйича томорқа хўжаликлари сони 317,3 мингтадан 326,1 мингтага ёки 1,02 фоизга кўпайган. Бу даврда томорқа хўжаликлари ихтиёридаги суғориладиган ерлар майдони 0,2 фоизга ортиб, уларда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми – 2,81, чорва маҳсулотлари ҳажми – 2,18 мартага кўпайган. Бу эса, ўз навбатида, томорқа хўжаликлари келтирган даромад миқдорининг ортишига олиб келади (5-жадвал).

Статистик маълумотлар таҳлили вилоятда томорқа хўжалиги келтирган даромад миқдорининг 2006 йилдаги 412,5 млрд. сўмдан 999,3 млрд. сўмга ёки

2,42 мартага ошганлигини кўрсатади. Бу даврда томорқа хўжаликлари келтирган даромад миқдорининг ўсиш суръати Бухоро, Жондор, Олот, Пешку, Қоровулбозор ва Ёиждувон туманларида вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган туманларда эса паст бўлган.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ аҳолисининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш, бу борада улар учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тизимли равишда ташкил этиш билан боғлиқ қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш лозим:

- аҳоли томорқа хўжалиқларининг ер майдонларидан самарали фойдаланган ҳолда мева, сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотларини кўпайтириш орқали даромадларни ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

5-жадвал

Бухоро вилояти туман ва шаҳарларида томорқа хўжалиги келтирган даромад миқдори (млн. сўм ҳисобида)

Шаҳар ва туманлар номи	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2006	2007	2008	2009	2010	
Бухоро ш.	15388,5	20172,9	25375,9	29519,6	35128,7	2,28
Когон ш.	7532,1	9881,2	12446,2	14619,4	14194,2	1,88
туманлар:						
Бухоро	45896,1	63862,4	74672,0	88323,8	113816,0	2,47
Вобкент	35486,3	50471,9	59201,5	67082,6	85874,8	2,42
Жондор	46091,0	63509,5	73122,6	86967,0	111863,0	2,42
Когон	26938,4	36621,3	44012,3	50737,1	64505,4	2,39
Олот	31984,2	44715,0	54785,9	62437,8	79251,5	2,47
Пешку	35201,9	49550,0	59444,1	69966,2	89906,1	2,55
Ромитон	31563,7	42705,4	50261,2	57621,3	72196,0	2,28
Шофиркон	37663,0	52002,4	62017,6	69569,7	88211,2	2,34
Қорақўл	47798,8	65769,4	77032,5	88452,7	113684,1	2,37
Қоровулбозор	4498,1	6541,8	8084,9	9468,7	12306,2	2,73
Ёиждувон	46486,9	69467,5	83271,1	90598,8	118414,2	2,54
Жами	412529,0	575270,6	683730,9	785364,9	999351,3	31,14

* Жадвал Бухоро вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, мева-сабзавот, картошка, узум, полиз маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобидан янада тўлароқ қондириш, ички бозорни қишлоқ хўжалигининг истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш орқали нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш;

- аҳолини қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, мевали кўчатлар ва сифатли маҳсулотлар етиштириш мақсадида моддий ресурслар билан таъминлашни ташкил этиш;

- тижорат банклари томонидан қишлоқ аҳолисига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйиш учун микрокредитлар ажратиш кўламини кенгайтириш;

- қишлоқ жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш орқали аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга бўлган имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш.

Қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш бевосита мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлиги билан боғлиқ. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, Бухоро вилоятида қишлоқ меҳнат ресурслари сони мунтазам ортиб бормоқда (6-жадвал).

6-жадвал

Бухоро вилоятида меҳнат ресурслари сони динамикаси (минг киши)

Худудлар	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда
Бухоро ш.	188,9	15,8	191,7	16,1	195,2	16,7	198,8	17,0	203,1	17,4
Когон ш.	34,7	-	35,8	-	36,0	-	37,0	-	37,8	-
туманлар:										
Бухоро	54,9	41,8	55,9	43,6	56,9	44,9	57,6	45,7	58,8	46,6
Вобкент	62,6	50,2	64,2	52,1	65,4	52,9	66,3	53,6	66,7	54,0
Жондор	69,8	54,3	71,6	56,9	74,9	58,3	75,7	60,5	77,3	61,9
Когон	36,3	36,3	37,5	37,5	38,0	38,0	38,6	38,6	39,4	39,4
Олот	42,7	24,9	44,3	25,9	44,8	26,2	45,7	26,6	46,7	27,3
Пешку	52,1	46,7	53,4	47,4	54,6	48,4	55,4	49,1	56,7	50,3
Ромитон	66,2	48,7	68,4	50,1	69,3	50,5	69,6	51,5	70,8	52,6
Шофиркон	78,2	58,2	80,6	60,1	82,1	62,6	84,6	63,8	86,4	65,3
Қоракўл	73,6	44,9	75,9	46,2	77,7	46,9	78,8	47,8	80,5	49,0
Қоровулбозор	13,3	4,3	13,3	4,3	13,4	4,4	13,5	4,4	13,7	4,4
Ғиждувон	107,2	77,4	110,7	78,9	112,1	80,1	114,1	81,1	116,6	83,0
Жами	880,5	503,5	903,3	519,1	920,4	529,9	935,7	539,7	954,5	551,2

* Жадвал Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалдан кўришиб турганидек, 2006-2010 йилларда меҳнат ресурслари сони вилоят бўйича – 8,4, қишлоқ жойларида – 9,5 фоизга кўпайган. Бундай тенденция вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кузатилган. Айтиш жоизки, вилоят меҳнат ресурсларининг 57,7 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Ваҳоланки, 2006 йилда бу кўрсаткич 57,1 фоизга тенг бўлган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, Бухоро вилоятида қишлоқ меҳнат ресурсларининг сони ортиши билан бир қаторда иш билан банд бўлган аҳоли сони ҳам кўпайиб бормоқда (7-жадвал).

7-жадвал

Бухоро вилоятида иш билан банд аҳолининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (минг киши).

Ҳудудлар	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда	жами	қишлоқ жойларда
Бухоро ш.	157,2	13,1	158,3	13,6	161,7	13,8	165,1	14,1	167,1	14,3
Когон ш.	26,6	-	27,8	-	28,1	-	28,8	-	29,5	-
<i>туманлар:</i>										
Бухоро	44,3	34,1	45,2	35,8	46,2	37,1	47,5	37,7	48,7	38,6
Вобкент	46,7	36,4	47,5	38,5	49,3	41,9	50,7	40,1	52,0	42,1
Жондор	45,9	36,7	47,2	38,8	49,7	40,6	51,1	40,8	52,4	41,9
Когон	28,3	28,3	29,6	29,6	30,5	30,5	31,4	31,4	32,2	32,2
Олот	32,4	19,5	33,4	20,0	34,6	20,3	35,5	20,7	36,4	21,3
Пешку	41,4	36,8	42,1	37,4	43,5	38,6	44,6	39,5	45,7	40,2
Ромитон	52,5	38,4	53,4	39,7	55,1	42,0	56,9	42,1	58,3	43,3
Шофиркон	54,3	42,8	55,2	44,7	58,2	47,0	62,9	47,4	64,4	48,7
Қоракўл	63,4	37,6	64,6	39,4	66,0	43,2	67,8	41,2	69,5	42,3
Қоровулбозор	12,3	3,9	12,3	3,9	12,3	4,0	12,5	4,1	12,8	4,1
Ғиждувон	88,9	62,6	90,2	64,4	93,9	66,3	96,7	68,7	99,1	70,6
Жами	694,2	390,2	706,8	376,2	729,1	425,3	751,5	427,8	768,1	439,9

* Жадвал Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлили ўтган беш йил давомида вилоят бўйича иш билан банд бўлган аҳоли сонининг 694,2 минг кишидан 768,1 минг кишига ёки 10,6 фоизга, қишлоқ жойларида эса иш билан банд бўлган аҳоли сонининг 390,2 минг кишидан 439,9 минг кишига ёки 12,7 фоизга ортганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, кўрилаётган даврда (2006-2010 йй.) жами иш билан банд бўлган аҳоли 2006 йилда 56,2 фоизи, 2010 йилда 57,2 фоизи қишлоқ жойларининг ҳиссасига тўғри келган. Кўриниб турганидек, қишлоқ жойларида иш билан банд бўлган аҳоли сони юқори суръатда ўсмоқда.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш учун иш билан бандликни самарали таъминловчи соҳалар тизимини, яъни қишлоқларда маҳсулотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш зарур. Шу тариқа қишлоқларда индивидуал меҳнат, тадбиркорлик фаолиятларини янада ривожлантиришга эришиш мумкин. Шахсий томорқа хўжаликларни ортиб бориши қишлоқ оилалари даромадларини шаҳар оилалариникига тенглаштириш, турли аҳоли қатламлари ўртасидаги фарқларни камайтириш имкониятини беради; уй хўжаликлари харажатлари тизимини ўзгартиришга ва ноистеъмол товарларини сотиб олиш имкониятини оширади; аҳолининг иш билан бандлиги кўрсаткичларини ортиши эвазига ижтимоий трансфертлар ҳиссасини камайтиради.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки оилавий тадбиркорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни истеъмолчиларга етказиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишгача бўлган жараёнлар оилалар томонидан амалга оширилади. Улардан тушган даромадларнинг аксарият қисми оиланинг даромадини кўпайтиришга хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда кекса, малакали деҳқон ва чорвадорларнинг самарали иш тажрибаларидан кенг фойдаланиш лозим. Маълумки, Бухоро шаҳрида зардўзлик, хунармандчилик, заргарлик, қандолатчилик ва бошқа турли соҳалар бўйича тажриба тўпланган. Мазкур тажрибани вилоятнинг қишлоқ жойларида қўллаш, биринчидан, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга, иккинчидан, қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширишга хизмат қилади.